

БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН!!!

“Элликқалъа пахта тозалаш” акциядорлик жамияти бир дона акциясини бугунги кундаги бозор қийматини аниқлаш мақсадида баҳолашни амалга ошириш ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади:

Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

- Ташкилот устави нусхаси;

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

- Баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат хақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;

- Баҳоланган корхоналар рўйхати;

- Баҳоловчи ташкилотлар уюшмасига ёки Баҳоловчилар жамиятига аъзолиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

- Лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Тижорат таклифларини 2025 йил 21 июлга қадар қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади:

Қорақалпоғистон республикаси, Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳри,
С.Айний кўчаси, 4-уй.

16.07.2025